



Агар огир нажосат дирхам миқдорича бўлса, у билан намоз ўқиш дуруст, у узр ҳисобланади. Агар огир нажосат дирхам миқдоридан ошиб кетса, уни кетказувчи сув билан ювиш фарздир. Тозаламасдан намоз ўқиш дуруст эмас.

Енгил нажосат

Енгил нажосат деб пок эканига далолат килувчи далил топилгани сабабли, нажосатлигига катъий ҳуким килинмаган нажосатга айтилади.

Масалан.

1. От сийдиги;
2. Туя, кўй (мол) каби гўшти ейиладиган хайвонлар сийдиги;
3. Гўштини еб бўлмайдиган кушлар тезаги.

Енгил нажосат ҳукми

Агар енгил нажосат кўп бўлмаса, афву ҳисобланади. Кўп - бадан ёки кийимни тўртдан бир қисми деб белгиланади. Шунингдек, катталиги игна учига тенг миқдорда сийдик сачраган бўлса 28 хам, афву килинади.

Агар ювилган оёқнинг нами ёки ухлаб ётган одамнинг терлаши сабабли нажосатли тўшак ёки нажосатли кийим хўл бўлиб қолса, баданда ёки оёгда нажосат асари зоҳир бўлса, бадан ва қадам нажосат ҳукмида бўлади. Агар оёқ ёки баданда нажосат асари зоҳир бўлмаса, нажосат ҳисобланмайди.

Агар қурук нажосатли ерга хўл кийим ёйилса, ер ана шу хўл кийим билан нам бўлса, кийимда нажосат асари кўринмаса, кийим нажосат ҳисобланмайди.

Сикиш билан суви томмайдиган даражадаги нажосатли кийимга пок ва курук кийим ўралса, (бир-бирига тегиб кетса ёки иккаласи бир идишга солинса) пок кийим нажосат бўлиб қолмайди.

Агар нажосат устидан шамол эсиб, нам бўлган кийимга тегиб ўтса, халиги нажосатнинг асари кийимда топилмаса, кийим бу билан нажосат бўлмайди.

Шафикур Роҳман Надвининг
"Фикхул муяссар" китобидан